



ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2012»



«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА НИМА ҚИЛА ОЛАМАН?»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТОМОНИДАН 2008 ЙИЛДАН БЕРИ МУНТАЗАМ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ЁШ СИЁСАТЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ НАВБАТДАГИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида голибликни қўлга киритган ёшлар учта шарт бўйича беллашдилар. Мазкур танлов «Мен Ватаним равнақи йўлида нима қила оламан?» деган эзгу

ғояни ёшлар қалбига чуқур сингдириш, ЎзХДП Сайловолди дастурида бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда.)

Мунозара

Ўзлидеп ТАКЛИФЛАРИ

янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қиладими?

Аммо бу борада либераллар аниқ таклиф бера олмай, умумий гаплар билан чекланмоқда. Бундан кўриниб турибдики, либераллар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалага юзаки ёндашмоқда.

→ 2

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришда фаол иштирок этиши зарур

ЎзХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ. Унда МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЭТАКЧИЛАРИ, СИЁСАТШУНОСЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда демократик модернизация жараёнларини чуқурлаштириш, кишиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан,

маҳаллалар билан мустақкам алоқа ўрнатиши яхши самара бераётгани таъкидланди. Мазкур ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Юнус УЗОҚОВ

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

ЎзХДП ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ЯНГИБОЗОР АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. Унда ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИГА ПАРТИЯМИЗДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда оила жамиятнинг асосий бўғини экани, у мустақкам ва фаровон бўлса, мамлакат барқарор ривожланиши таъкидланди. Партия ташкилотлари тизимида оила мустақкамчилигига қаратилган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хар бир тадбирни баҳс-мунозара руҳида ташкил

этиш, аниқ таҳлил ва ҳаётий мисолларга ургу бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди, Юқори Чирчиқ туман партия кенгашининг бу борадаги тажрибаси муҳокама қилинди. Шу асосда туман партия кенгашининг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.

Латифжон МАНСУРОВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ, ОБЪЕКТЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, адлия ва ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шакллантириш мониторинг қилиш мустақил институти, Хотин-қизлар кўмитаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

рали ҳуқуқий механизмини яратиш, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишда жамоат ҳамда фуқаролик институтларининг ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Илмий-амалий семинарни ўтказишдан мақсад жамиятимизни эркинлаштириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш, шунингдек, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадбир давомида иштирокчилар жамоатчилик назорати институтининг асосий қоидалари, уни амалга ошириш бўйича мавжуд ҳуқуқий механизмлар билан танишди.

Сўзлар Миллий университети фан ва халқаро алоқалар бўйича проректори Х.Тўйчиевнинг айтишича, демократик ислохотлар ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатларини бажаришини жамият ва фуқаролик институтлари томонидан назорат қилишининг тизими, сама-

Бугунги кунда мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида» каби қонунлар амал қилмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий база таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 40 дан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд тизимнинг мантиқий давоми бўлган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда қарор топган либерализм ҳамда демократия муҳитини янада мустақкамлашга хизмат қилади. Тадбирда қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир амалий тақлифлар билдирилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА МАХБУРИ

Спорт

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЁШЛАР (U-19) ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. Унда ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.



Ҳамюртларимиз мусобақанинг «С» гуруҳида кейинги bosқичга бериладиган йўлланмалар учун Иордания, КХДР ҳамда Вьетнам футболчилари билан кураш олиб борапти. Дастлабки турда ёшларимиз вьетнамлик тенгдошларига қарши тўп суришди. Унда вакилларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди — 4:0. Голларни вакилларимиздан Максимилиан Фомин, Игорь Сергеев (иккита) ҳамда Темир Ҳақимов киритди.

Чемпионатнинг қолган гуруҳлари дастлабки тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «А» гуруҳи: Бирлашган Араб Амирликлари — Кувайт — 1:1, Япония — Эрон — 0:2. «В» гуруҳи: Жанубий Корея — Ироқ — 0:0, Хитой — Таиланд — 1:2. «Д» гуруҳи: Австралия — Қатар — 1:0, Саудия Арабистони — Сурия — 1:5.

Бугун Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Иордания, КХДР эса Вьетнам футболчилари билан куч синашади. Эслатиб ўтайти: мусобақада дастлабки тўрт ўринни қўлга киритган терма жамоа жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида эса Иордания — КХДР терма жамоалари ўзаро баҳс юритди — 1:1.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 6 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЯМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Евро | 2535,36 | 1 Дания кронаси | 336,94 | 1 Хитой юани | 313,85 | 1 Туркия лираси | 1093,57 |
| 1 АҚШ доллари | 1960,00 | 1 БАА дирҳами | 533,67 | 1 Украина гривнаси | 245,21 | 1 Швейцария франки | 2083,11 |
| 1 Россия рубли | 62,46 | 1 Миср фунти | 321,31 | 1 Малайзия ринггити | 639,58 | 10 Жанубий Корея вони | 17,95 |
| 1 Австралия доллари | 2029,19 | 1 Исландия кронаси | 15,44 | 1 Польша злотийси | 612,02 | 10 Япония иенаси | 243,48 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3140,90 | 1 Канада доллари | 1970,44 | 1 СДР | 3007,40 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАДБИР:

● ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

3-бет

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи – 2012»

«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА НИМА ҚИЛА ОЛАМАН?»

Иштирокчилар ўз лойиҳаларини тақдим этди

Танловнинг биринчи шартига кўра, иштирокчилар худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва электротар вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ лойиҳаларини тақдим этди.

Ёш сиёсатчилар ўз лойиҳаларида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, мавжуд шароит ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, олис қишлоқларда замонавий ижтимоий инфратузилмани шакллантириш масалаларида фикр-мулоҳаза ва тушунчаларини баён қилди.

Биринчи шарт бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри иштирокчилари пухта тайёрланган, аниқ тақлифлар билдирганини ҳакамлар ҳайъати эътибор этди.

Алижон ШОКИРОВ, танлов қатнашчиси (Самарқанд вилояти)

— Лойиҳамни Булунғур тумани мисолида олдим. Туманда бошқа соҳаларга нисбатан боғдорчилик яхши ривожланган. Етиштирилган ҳосил асосан қўшни туман ва шаҳарларга қайта ишлаш учун юборилади. Демак, худудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ташкил этиш ўзини оқлайди. Биринчидан, тумандаги боғдорчилик фермер хўжаликларини маҳсулотини қайта ишлаб, шу ернинг ўзида сотиш имконияти яратилади, корхонанинг қўшни туман ва шаҳарлардан маҳсулот сотиб олишига эҳтиёж бўлмайди. Мана шу икки жиҳат корхона самарали фаолият юритишининг муҳим омил бўлиши мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Шунингдек, тумандаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш имкони янада кенгайди.

Боймурод ЮСУПОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири, ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Тўғри, танлов иштирокчилари тақдим қилган лойиҳаларни ҳар томонлама таҳлил ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган деб бўлмайди. Аммо бу ўринда бир масала ёддан чиқармаслигимиз керак. Энг муҳими, ёшлар ўзи истикомат қилаётган маҳалла, туман ҳаётидан, у ердаги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлаётти, худудни ривожлантириш ҳақида ўйлаётти. Шу орқали уларда жамият миқёсида фикрлаш кўникмаси шаклланаётти. Келажакда худудларни ривожлантириш бўйича самарали лойиҳалар илгари сурилиши ва ҳаётга изчил татбиқ этилишида, эл-юрт равнақи ва фаровонлиги йўлида қайғуриб яшайдиган кишилар сафи кенгайишида бу муҳим аҳамиятга эга.

Фикрни бошқаларга етказиш маҳорати

Танловнинг иккинчи шартига ёш сиёсатчиларнинг нафақат билими ва салоҳияти, шу билан бирга, ўз фикр ва қарашларини бошқаларга етказиш маҳорати синовдан ўтказилди. Ўз нуқтаи-назарини мустаҳкам ҳимоя эта олган, унинг тўғрилиги ва афзаллигига атрофдагиларни

Мақсат АБДУЛЛАЕВ, танлов иштирокчиси (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Мазкур шартда тенгдошларим Президентимиз асарлари, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, партиялар фаолияти ҳақида яхши билим ва тушунчага эга эканини намоиш этди. Ўзим «Мустаҳкам оилани шакллантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусини очиб беришга ҳаракат қилдим. Бунда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, унда белгиланган вазифалар ижросида ёшларнинг иштироки, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш масалалари хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этдим.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳам алоҳида ўрни бўлиши керак. Хусусан, жойларда шу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари, унрашулар ўтказиб, уларга ҳурматга лойиқ кишилар, мутахассислар билан бирга, ёш ва ибратли оилалар вакилларини тақлиф этиш лозим. Тадбирларда эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, тиббий кўрикнинг

афзалликлари, шунингдек, ёшларнинг ҳар жиҳатдан оилавий муҳитга тайёргарлигини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши керак бўлади.

Шухрат ТУРСУНБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Иштирокчиларнинг ҳаракати, салоҳияти ва интилувчанлиги мени қувонтирди, албатта. Уларнинг ўзларига берилган мавзулар бўйича яхши билимга эга эканлигини, фикрларини теран ифодалаб бера олиш қобилияти мазкур шартда яна бир бора намён бўлди.

Ахборот технологиялари афзалликлари ва ахборот хуружи мавзуларида маъруза қилган иштирокчилар чиқишлари тўхталиб ўтмоқчиман. Наманган вилояти иштирокчиси мавзунини очиб беришга ҳаракат қилди. Иштирокчи ахборот хуружининг салбий оқибатлари хусусида таъсирчан маъруза қилишди. Ундан ёшларни ҳимоя қилиш, бунда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш асосида ташаббуслар берди. Айниқса, ёшларнинг маънавий тарбияси, уларда мафжуравий иммунитетни қу-

Танлов кўтаринки руҳда ўтди. Уч шарт натижаларига кўра, Тошкент шаҳридан Дилрабо Расулова биринчи, Сурхондарё вилоятидан Фирдавс Шарипов иккинчи, Фарғона вилоятидан Дилфуза Раҳимова учинчи ўринга муносиб деб топилди. Голиблар билан бирга бошқа иштирокчилар ҳам турли йўналишлар бўйича махсус диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Лазиза ШЕРОВА, Гулрух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Мунозара

ЎзЛиДеП ТАКЛИФЛАРИ

янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қиладими?

КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ФАОЛИЯТИ СЕЗИЛАРНИ ДАРАЖАДА КУЧАЙДИ, МАМЛАКАТ РИВОЖИ БИЛАН БОГЛИҚ МУҲИМ ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ТАЪСИР КУЧИ ОРТДИ.

Бугун депутатлардан аҳоли бандлигини таъминлаш борасида партия позицияси, дастурий-мақсадлари асосида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, муқобил тақлифлар ишлаб чиқиши талаб этилмоқда. Парламент томонидан ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича дастур қабул қилиниб, унинг ижроси бўйича мутасадди вазириликлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилмоқда. Бу тажриба тобора такомиллашиб, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тайёрланаётган тақлифларнинг пухта ва ҳаётий бўлишига хизмат қиляпти.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан «2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг жорий йил биринчи ярмидаги ижроси бўйича навбатдаги парламент эшитувини ўтказди. Унда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ахбороти тинланди. Парламент эшитишда бандлик ма-

саласини ҳал этиш, янги иш жойлари очиб борасида сезиларли натижаларга эришилгани таъкидланди. Бироқ, шунга қарамай, дастур параметрларининг жойлардаги ижроси ўрганилганда, айрим худудларда янги корхоналарни ишга тушириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқна тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисоби ва иш ўринлари ташкил этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Аниқланган камчиликлар, жойларда янги иш ўринлари яратишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ўз тақлифларини баён этди. Аммо фикримизча бу тақлифларнинг ҳаммаси ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг бугунги шароити ва ҳолатига мос, деб бўлмайди.

Парламент эшитишда ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари янги иш ўринлари яратиш учун инфратузилмани янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг коммунификация тармоқларига улашни масалаларига эътиборни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этишда рақобат муҳитига устуворлик бериш, бунда талаб ва тақлифга қатъий амал қилиш кутилган самара беради. Касб эгаларига нисбатан талабнинг кучайтирилиши эса меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқаришга олиб келади, дейишди ЎзЛиДеП вакиллари.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан билдирилган фикрлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, уларда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ҳолатлар четлаб ўтилгани кўзга ташланади. Масалан, либераллар иш ўринлари ташкил этишда касб эгаларига нисбатан талаб кучайиши керак, деган фикрни илгари суришяпти. Тўғри, касбий малакага эга, тажрибаси етарли бўлган киши иш унумдорлигини оширишга, меҳнат жамоаси ютуғига муносиб ҳисса қўшади. Бироқ бу ўринда меҳнат бозорига энди кириб келаётган, касбий малакага эга бўлмаган, тажрибасиз ёшлар манфаати қандай ҳимоя қилинади? Улар қандай қилиб ишга жойлашади?..

ЎзХДП малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибаси етарли бўлмаган кишилар, вақтинча ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш лозим, деб билади. Партиямиз Дастурига муювофик, бу жараёнда катта сармоа талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш муҳимдир. Шу орқали қўлидан иш келадиган фуқароларни меҳнатга жалб қилиш имкони ошади. Уларни

чайтиришга оид фикрлари, бунда «Истикбол» ёшлар қаноти фаолиятини кучайтириш бўйича билдирган тақлифлари алоҳида аҳамиятли бўлди.

Билимдон ёш сиёсатчи — ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Танловнинг учинчи шартига асосан иштирокчилар қабул қилинган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббусларининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳамда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақидаги билимларини намойиш қилди.

Ўзимухаммад ХОННАЗАРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Ёш сиёсатчи, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлардан яхши хабардор бўлиши, мазкур жараёнларда фаол иштирок этиши зарур. Шунда у ислохотлар моҳиятини теран англайди, юрт равнақида дахлдорлик туйғуси билан яшайди. Кўрик-танловдан қўзланган мақсад ҳам шундан иборат.

Танлов орқали билимдон ва дунёқарашли кенг ёшлар сафи иштирокчилар қишлоқларга тўхталиб ўтмоқчиман. Наманган вилояти иштирокчиси мавзунини очиб беришга ҳаракат қилди.

Иштирокчи ахборот хуружининг салбий оқибатлари хусусида таъсирчан маъруза қилишди. Ундан ёшларни ҳимоя қилиш, бунда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш асосида ташаббуслар берди. Айниқса, ёшларнинг маънавий тарбияси, уларда мафжуравий иммунитетни қу-

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР

фаолиятини кучайтиришга бағишланди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА СЕНАТОРЛАР, ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛ-ШУНОСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Семинарда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларнинг фаолияти кучайиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Қонунлар, Фармон ва Қарорлар ижроси устидан қонун доирасида назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Вилоят маҳаллий Кенгашларида айрим доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириш

Семинарда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларнинг фаолияти кучайиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Қонунлар, Фармон ва Қарорлар ижроси устидан қонун доирасида назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Вилоят маҳаллий Кенгашларида айрим доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Қонунлар, Фармон ва Қарорлар ижроси устидан қонун доирасида назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Харакат дастурида қўзланган вазифалар энг аввало, партиямиз электорати манфаатидан келиб чиқиб белгиланган. Демак, ҳар бир депутатлик гуруҳи, доимий комиссиялар уларни бажаришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаши керак. Бугунги семинарда депутатлар ва доимий комиссиялар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган тавсиялар депутатлик гуруҳларимиз ишини жонлантиришда асқотди.

Семинарда, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларини ақли органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жараён билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

ЎзХДП ҳаётиндан

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокига боғлиқ

ЎзХДП ДАСТУРИДА ХОТИН-КИЗЛАРНИНГ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАМДА УЛАРНИ ЖАМИЯТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИГА АЙЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

«Фаол аёллар» қаноти Нурота туман бўлими томонидан дастурий вазифалар ижроси йўлида кўплаб хайрли ишлар қилинапти. Туман кенгашида 1300 га яқин партия аъзоси бўлиб, уларнинг 500 дан ортинги хотин-кизлар ташкил этилди.

— Кенгашга бирлашган 43 та бошланғич партия ташкилоти ва халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган 9 нафар депутат билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз, — дейди Нурота туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти бўлими етакчиси Гулҳажа Мустафоева. — Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда хотин-кизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтиришга катта эътибор қаратаймиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида

кўпайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, Ко-нимех ва Хатирчи туманларида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида ижтимоий ва коммунал инфратузилма корхоналари ва ташкилотларининг самарали фаолиятига эришиш бўйича депутатлик гуруҳлари олдида тегишли вазифалар қўйилган. **Харакат дастури ижроси доирасида жорий йилда тўртта масала доимий комиссияларга тақдим этилди.** Бироқ бундан ташқари, деб бўлмайди. Айрим туман кенгашлари олдида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашга эътибор қаратмапти.

Харакат дастурида қўзланган вазифалар энг аввало, партиямиз электорати манфаатидан келиб чиқиб белгиланган. Демак, ҳар бир депутатлик гуруҳи, доимий комиссиялар уларни бажаришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаши керак. Бугунги семинарда депутатлар ва доимий комиссиялар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган тавсиялар депутатлик гуруҳларимиз ишини жонлантиришда асқотди.

Семинарда, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларини ақли органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жараён билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Илҳом САТТОРОВ

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «CITY PALACE» МЕҲ-МОНХОНАСИДА КОРЕЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ (KOICA) ТОМОНИДАН «ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА АГЕНТЛИК КЎНГИЛЛИ (ВОЛОНТЁР)ЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда юртимиздаги Корея Республикаси элчихонаси вакили, Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети масъул ходимлари, агентлик кўнгилилари йўналтирилган муассаса раҳбарлари ўз маърузалари билан иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиздаги Агентлик (KOICA) директори Ли Кёнг Санг бугунги

кунда Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани ҳамда икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ўрнатилганига 20 йил бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, KOICA 1995 йилда икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари томонидан имзоланган кўнгилиларни йўналтириш тўғрисидаги шартномага асосан, илк бор мамлакатимизга икки йўналиш бўйича 10 нафар кўнгилилар юборган эди. Аини пайтда уларнинг сони 60 нафар-



Собрание представителей организаций Узбекистана по программе Волонтеров KOICA

дан зиёдни ташкил этган ҳолда 12 йўналишда ўз фаолиятларини давом эттираётгани ўзаро муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилапти.

Агентлик томонидан ҳамкорлик давомида жами 340 нафар кўнгилилар техника ва технология, соғлиқни сақ-

лаш, таълим йўналишларида фаолият юритиб, юртимиздаги соҳа ходимлари билан тажриба алмашмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларга Корея маданияти, тарихи ва тилини ўргатиш борасида ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электротат манфаати

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

ФАРҒОНАДА «GM UZBEKISTAN» ҚЎШМА КОРХОНАСИГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ «UZSUNGWOO» ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ.

«Ўзватосаноат» акциядорлик компанияси, Кореянинг «SUNGWOONITECH» ҳамда «Zone Co.LTD» компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган корхонага 47,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Замонавий технологиялар

асосида бу ерда янги русумдаги автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Шу билан бирга қўшма корхонада 453 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида йилга 82,7 мил-

лион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилади. 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежалишига эришилади. Мазкур корхонанинг вилот саннат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишидаги салмоғи 4,5 фоизни ташкил этиши кутуляпти.

— Корхонамизда янги «Chevrolet Cobalt» автомобил учун 183 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади, — дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари Қозимжон Акбаров. — Бу ерда ўрнатилган замона-

вий технологиялар кўмагидан йилга 120 000 та автомобиль компонентлари тайёрлаш имкони мавжуд.

Корхонанинг очилишида иштирок этган «SUNGWOONITECH» компанияси президенти жаноб Ким Тай Ил Ўзбекистон аллақачон дунёнинг автомобилсозлик саноати ривожланган давлатлари қаторидан жой олгани ва корхона соҳа имкониятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини эътироф этди. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси ва раҳнаолигида асос солинган Ўзбе-

кистон автомобилсозлик саноати халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти рамзига айланди. Ҳозирда бу ишга Фарғонанинг ўнга ақин корхоналари жалб этилиб, уларда, маҳаллийлаштириш давлат дастурига кўра, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Янги корхонада ноябрь ойининг дастлабки кунларида ноқ «GM UZBEKISTAN» қўшма корхонасига автомобиль бутловчи қисмлари юборила бошланди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

ВНИМАНИЕ РУКОВОДИТЕЛЕЙ КОМПАНИЙ И ФИРМ!

СОВЕТ МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН И КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА САДОВОДСТВА, ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМ. ШРЕДЕРА

объявляет о проведение конкурсных торгов на закупку лабораторного оборудования для научных исследований

Лот №1: Мультимедийный комплект — максимальная цена 3 000 000 сум.

Компьютер (в комплекте) — максимальная цена 5 000 000 сум, фотокамера цифровая 600 000 сум;

Лот №2: Лабораторная и офисная мебель — максимальная цена 40 000 000 сум.

Лот №3: Термометры (почвенные, воздушные, влажные, водяные, минимальные, максимальные) — максимальная цена 1 000 000 сум.

Рн-метр-иономер БПК термооксиметр «Экотест-2000» — максимальная цена 200 000 сум.

Лот №4: Холодильная камера (бытовая) — максимальная цена 1 500 000 сум.

Морозильник с регулируемой средой (для промораживания) — максимальная цена 2 500 000 сум.

Термостат Т-105С — максимальная цена 5 000 000 сум.

Сушильный шкаф СШ-235 — максимальная цена — 13 500

000 сум.

Весы площадочные — максимальная цена 5 000 000 сум.

Лот №5: Весы электронные — максимальная цена 500 000 сум.

Весы аналитические — максимальная цена 500 000 сум.

Лот №6: Дистиллятор воды — максимальная цена 10 500 000 сум.

Водяная баня (регулируемая) — максимальная цена 1 500 000 сум.

Лот №7: Садовые инструменты (секатор, окулировочный нож, сучкорез, пыли, приборы для прививки, лестницы) — максимальная цена 2 500 000 сум.

Опрыскиватель (опылитель) — максимальная цена 700 000 сум.

Лот №8: Микроскоп с камерой (Montic) — максимальная цена 1000 000 сум.

Микроскоп МБС-12 максимальная цена — 1000 000 сум.

Микроскоп МБИ-9 максимальная цена — 1000 000 сум.

Срок окончания приёма конкурсных предложений — до 12.00 (Ташкентское время) 6 декабря 2012 года.

Подробную информацию по конкурсным торгам можно получить по адресу:

Каракалпакский филиал научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия им. Шредера, Республика Каракалпакстан, Кегейлийский район, ССГ Актуба.

Телефоны: +998903482800; +998909039631; E-mail: parxod@list.ru.

Эълон

Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон

қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тажират банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашилади.

Танлов куйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саннат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саннат соҳасида татбиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва

материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ◆ Ариза (намуна бўйича);
- ◆ Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- ◆ Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ УЧУН:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Ассатулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БҮЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____ (тақдим этилаётган гоёвий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция таклифи;
- Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари _____ / (Имзо, муҳр)

(Ф. И. О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва рекевизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.

3. Негизда лойиҳани амалга ошириши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва рекевизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;

охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.

4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:

4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.

4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.

4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;

объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

5. Лойиҳани амалга оширишдан кутулаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|-------|---------------------------------------------------------------|-------------------------|---------------------|------|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қоплашиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

ҳар бир соҳада тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бу борада Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) да ибратли ишлар амалга оширилмоқда

БУГУНГИ КУНДА КАДРЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА УНИВЕРСИТЕТДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛГАН БИТТА НОЁБ ОБЪЕКТ ВА 72 ТА ЛОЙИҲА УСТИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ. ЮРТИМИЗДАГИ ЙИРИК КОРХОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА 200 ДАН КЎПРОК ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР БАЖАРИЛЯПТИ.

ТДТУ 27 та хорижий давлатдаги 100 дан зиёд таълим муассасаси ва илмий марказлар билан алоқаларни йўлга қўйган ҳамда улар билан ҳамкорликда 10 та халқаро илмий лойиҳа амалга оширилди. Университетда халқаро илмий анжуманлар, илмий кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказилади, 6 та илмий журнал чоп этилади. Шунингдек, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятини ўстириш мақсадида «Энг яхши талаба инновацион лойиҳаси» кўрик-танлови ўтказилади, «Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази, «Янги авлод олимлари мактаби», «Ёш берунийлар академияси» фаолият кўрсатади. «Устоз-шоғирд» тизими асосида талабалар ҳам илмий лойиҳаларни бажаришга жалб қилинади.

Кунни кеча ТДТУ ва Австралиянинг MICKROMINE компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ихтисослаштирилган геологик маълумотлар тизи-

ми (GMT) синфининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда соҳа олимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ёш олимлар қатнашди.

Университетимизда халқаро компаниялар билан ҳамкорликда учта шундай синф очгандик ва уларнинг самарасини кўриб турибмиз, — дейди ТДТУнинг илмий ишлар бўйича проректори Карима Норкулова. — Ихтисослаштирилган геологик маълумотлар тизими син-

фининг очилишида геология-минералогия фанлари доктори Бахтиёр Исоҳўжаев алоҳида ташаббус кўрсатди. Бу синф геология ва қончилик бўйича тахсил олаётган талабалар, ёш олимлар, ўқитувчилар ҳамда ҳамкор ташкилотларимиздан малака ошириш учун келадиган мутахассисларнинг замонавий технологияларни чуқур ўзлаштиришига, шунингдек, ишлаб чиқаришда учрайдиган ҳолатларни олдиндан

компьютерда аниқлашга ёрдам беради. Маълумки, MICKROMINE компанияси геология ва тоғкон саноати учун дастур ишлаб чиқиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб турибди. 90 дан ортиқ мамлакатдаги 12 мингдан зиёд ми-



Санжар ШОУЎЛАГАНОВ оlingан суратлар.

жозга хизмат кўрсатади, 21 та минтақада ваколатхонаси бор. Ушбу компания вакили Фредерик Дарби тақдимот маросимида жумладан шундай деди:

— Халқингизнинг интеллектуал салоҳиятини яхши биламиз. Сизнинг университе-

тингизда тахсил олган мутахассислар бизда ҳам ишлайди. Улар ўз касбига садоқати ва билими чуқурлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Мақсадимиз университетингиз билан шундай малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида ҳамкорлик қилиш.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугун соҳаларни мутахассис билан таъминлаш эмас, малакали мутахассис билан таъминлаш долзарб вазифадир. Тошкент давлат техника университетида айнан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Асрор МҮМИН

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятини ўстириш мақсадида «Энг яхши талаба инновацион лойиҳаси» кўрик-танлови ўтказилади, «Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази, «Янги авлод олимлари мактаби», «Ёш берунийлар академияси» фаолият кўрсатади. «Устоз-шоғирд» тизими асосида талабалар ҳам илмий лойиҳаларни бажаришга жалб қилинади.



Реклама

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MXX ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун

ҲАМКОРЛИҚКА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Бизнинг тақлифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефонни орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Иш вақти ҳар кун соат 10-00 дан 18-00 гача.

Корхоналар ўз тижорат тақлифларини қуйдаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-А уй.



КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

21 ноября и 6 декабря 2012 года в 12.00 часов в городе Нукус в зале заседания Комитета по демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

1. Автотранспортные средства предприятия-банкрота ОАО «Автожолмехбаза»:
 - автомашини марки «Газ-53» 1988 года выпуска. гос. номер 23 AG 101. Начальная цена 308 000 сум.
 - автомашини марки «Газ-53» 1989 года выпуска. гос. номер 23 AF 781. Начальная цена 308 000 сум.
- Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится 9.00 по 18.00 во все дни кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполненного документа в справке уплаты на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Адрес: г. Нукус, ул. А.Тимура, дом 129-А. Телефоны для справок: (8-361) 222-55-84.

Уд. Реестр: №006388-11

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаятган Конституция байрами — Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 20 йиллиги билан қутлайди ва хорижий валютадаги қуйдаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

«МАҚСАДЛИ-2012»

— АҚШ долларида. Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«КАФОЛАТЛИ-2012»

— ЕВРОда Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---------------------------|-----|-----------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| «Автотранспорт» филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| «Фарҳод» филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтириқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Кўкон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| «Афросиёб» филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Сизнинг омонатларингиз:

- ❖ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ❖ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ❖ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ❖ микдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

Спорт

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуи уч кун давомида кикбоксинг бўйича ёшлар, қизлар ва катталар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилди.

КУЧЛИЛАР ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган уч юз нафардан зиёд спортчи рингда чиқди.

— Келаси ойда Ҳиндистонда Осие чемпионати баҳслари бўлиб ўтади, — дейди мусобақа бош ҳаками Гуломиддин Саидахматов. — Мамлакат чемпионати спортчиларимиз учун ана шу нуфузли мусобақа олдида ўзига хос синов ҳамда кўрик вазифасини ўтаб берди. Фолиблар қизлар ўртасида олти вазн тоифасида аниқланган бўлса, ёшлар ва катталар ўн биттадан вазн тоифасида кучлилар номига оидлик киритди. Энди мамлакат чемпионати Осие чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

«ҚОРА ДЕНГИЗ КУБОГИ»ДА

таэквондочиларимиз 14 та олтин, 5 та кумуш ва 11 та бронза медалига сазовор бўлдилар

Сочида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича анъанавий «Қора денгиз кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда ўттиз саккиз нафар спортчи мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қизгин кечган баҳсларда вакилларимиздан Ольга Цой, Зухра Эргашева, Маъмуржон Нормаматов, Бахтиёр Жўраев, Элдорбек Жумабоев сингари моҳир таэквондочиларимиз шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиб, Ўзбекистон терма жамоасининг галабасига катта ҳисса қўшдилар.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

ОБ-ҲАВО 6-7 - 11. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+2 / -3 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+0 / -2 +12 / +17

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+0 / -2 +12 / +17

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+2 / +7 +15 / +20

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+0 / -2 +12 / +17

Тошкент шаҳри

+2 / -1 +14 / +16

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +4 / +3

Париж +4 / +5

Москва +0 / -3

Мадрид +3 / +4

Пекин +3 / +2

Канберра -1 / -2

Рим +6 / +9

Афина +10 / +11

Токио +7 / +8

Стокгольм +0 / -1

Кейптаун +15 / +14

Қоҳира +12 / +14

Гавана +20 / +21

Вашингтон +2 / +3

Самарқанд шаҳар Сибё тиббиёт коллежи директори Анвар Жамолова отаси

Жамол АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиламиз. Бир гуруҳ дўстлари.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|-----------------------------|-------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodulla ABDULLAYEV | Muslihidin |
| Latif G'ULOMOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | MUHIDDINOV |
| Bobir ALIMOV | Tat'yana KISTANOVA | Ochilboy RAMATOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ktibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili: Buyuk Turoon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

9522

nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.10

Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5